Дўстов Мамарасул Абдуллаевич,
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси доценти, ю.ф.б.ф.д, доцент.

ЁШЛАР ОРАСИДА НАРКОЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Дунёда ҳозирги глобаллашув жараёни жадаллашган XXI асрда уюшган жиноятчиликнинг трансмиллий характер касб этиши бу муаммога етарли эътибор берилишини тақозо этиб, айниқса, ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаш чораларини фаоллаштиришга халқаро миқёсда жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу боис, ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, жиноят предметлари бўлган гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддаларни ноқонуний муомиласи билан боғлиқ ҳаракатларга чек қўйиш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида қонунчилик базасини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Калит сўзлар: ёшлар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар, синтетик гиёҳвандлик воситалари ва кучли таъсир қилувчи моддалар, қонунчилик, қарши курашиш, ҳамкорлик.

Дустов Мамарасул Абдуллаевич,
Доктор философии (PhD) по юридическим наукам, доцент

ВОПРОСЫ БОРЬБЫ С НАРКОПРЕСТУПНОСТЬЮ СРЕДИ МОЛОДЕЖИ

АННОТАЦИЯ

В XXI веке, когда процесс глобализации в мире ускорился, транснациональный характер, который приобрела организованная преступность, требует уделять этой проблеме должное внимание. В

частности, на международном уровне уделяется серьезное внимание активизации мер по выявлению правонарушений, связанных с наркотическими средствами и психотропными веществами среди молодежи. В связи с этим важное значение приобретает совершенствование законодательной базы в целях повышения эффективности деятельности по выявлению правонарушений, связанных с наркотическими средствами и психотропными веществами среди молодежи, и пресечению действий, связанных с незаконным оборотом наркотических средств, их аналогов и психотропных веществ, являющихся предметами преступления.

Ключевые слова: молодежь, наркотические средства и психотропные вещества, синтетические и сильнодействущие вещества, законодательство, противодействие, сотрудничество.

Mamarasul Abdullaevich Dustov,

Doctor of Philosophy (PhD) in Law, Associate Professor

ISSUES OF COMBATING DRUG-RELATED CRIME AMONG YOUTH

ABSTRACT

In the 21st century, as the process of globalization has accelerated worldwide, the transnational nature acquired by organized crime requires due attention to be paid to this issue. In particular, at the international level, serious attention is being devoted to intensifying measures aimed at identifying offenses related to narcotic drugs and psychotropic substances among young people. In this regard, improving the legislative framework is of particular importance in order to enhance the effectiveness of activities aimed at identifying offenses involving narcotic drugs and psychotropic substances among youth and suppressing actions related to the illicit trafficking of narcotic drugs, their analogues, and psychotropic substances that constitute the subject matter of criminal offenses.

Keywords: youth, narcotic drugs and psychotropic substances, synthetic and potent substances, legislation, counteraction, cooperation.

Наркобизнес минтақалараро ва трансмиллий миқёсдаги уюшган жиноятчилик кўриниши сифатида нафақат жиноий, балки сиёсий тусга ҳам эга бўлиб бормоқда. Шу билан бирга, глобаллашув жараёнлари шиддатли тус олган ҳозирги замонда халқимизда, айниқса ёшлар қалбида миллий ғурур, ёт ғоялардан сақловчи мафкуравий иммунитетни ошириш талаб этилади.[1]

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг маълумотларига кўра, дунёда 500 миллиондан ортиқ одам гиёҳвандлик дардига йўлиққан бўлиб, уларнинг аксарият қисмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этмоқда. Бунинг оқибатида ҳар йили жаҳонда 200 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмади, содир этилаётган жиноятларнинг 57 фоизи гиёҳвандлар ҳиссасига тўғри келади. Шу боис, сўнгги йилларда БМТ томонидан аъзо давлатларга гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлашни кучайтириш бўйича мажбуриятлар юкланмоқда[2].

Жамият тараққиётининг қайси босқичида бўлмасин, умуминсоний яшаш қоидаларининг бузилиши кишилар томонидан кескин қораланган ва айбдорларга нисбатан жазо чоралари қўлланилган[3]. Вояга етмаганлар ораси гиёҳванд моддаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш, Ўзбекистон Республикасининг келгуси авлод хавфсизлигининг кафолати бўлиб, мазкур жиноятларга қарши курашиш давлатнинг муҳим стратегик вазифаларидан ҳисобланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга нисбатан қарши иммунитетни шакллантириш, шунингдек, инсон саломатлигини таъминлашга қаратилган ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дархакикат, бугунги кунда мамлакат ахолисининг 40 фоизини 18 ёшгача булган болалар, 64 фоизини 30 ёшгача булган ёшлар ташкил этган Ўзбекистон учун баркамол авлодни тарбиялаш, уларга эртанги кунимизнинг

хал килувчи кучи сифатида ишонч билдириш, шунингдек уларнинг хаётда, шу жумладан, жамиятда тинчлик ва осойишталикни, жамоат тартибини саклаш, хар кандай куринишдаги хукукбузарликларга карши курашда фаол иштирок этишини таъминлаш канчалик долзарб вазифа эканлиги барчамизга маълум.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда янги турдаги синтетик гиёҳвандлик воситалари ва кучли таъсир қилувчи моддалар пайдо бўлаётганлиги, улар инсон омилисиз интернетнинг ижтимоий тармоқларидан фойдаланган ҳолда аҳоли, айниқса ёшлар орасида осон тарқатилаётганлиги масъул давлат тузилмаларининг бу борадаги фаолиятини “Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун” деган устувор ғоя асосида сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 6 майдаги ПФ-73-сон Фармони билан “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш бўйича 2024 — 2028 йилларга мўлжалланган миллий стратегия” тасдиқланиб, унда 1-мақсад сифатида “Аҳоли, айниқса, ёшларда гиёҳвандликка қарши иммунитетни шакллантиришга қаратилган таъсирчан чоралар комплексини амалга ошириш”, 4-мақсад сифатида “Гиёҳвандликка қарши курашишда таълим муассасаларининг ролини кучайтириш”, 7-мақсад сифатида “Гиёҳвандлик воситалари республика ҳудудига ноқонуний кириб келишининг сабаб-омилларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш борасидаги чораларни кучайтириш”, 8-мақсад сифатида “Гиёҳвандлик воситаларининг қонуний муомаласи билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш”, 10-мақсад сифатида “Республика ҳудудига гиёҳвандлик воситаларининг кириб келиши ҳолатларини барвақт аниқлаш механизмларини такомиллаштириш”, 14-мақсад сифатида “Гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш” белгиланган. [4]

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлиб, асосан уюшган гуруҳлар таркибида, пухта ниқобланган, мураккаб жиноий схемалардан фойдаланган ҳолда содир этилиб, давлатнинг жамоат хавфсизлигига тажовуз қилади.

Ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ вазият таҳлили шундан далолат беради, Ўзбекистон гиёҳвандлик воситалари ва бошқа тақиқланган товарлар ноқонуний айланмасининг халқаро экспансияси объектига айланиб қолди. Жиноятчилардан олиб қўйилаётган ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар предметларининг асосий қисми хорижий давлатлар маҳсулоти ҳисобланади.

Таҳлиллар кўрсатишича, аниқланган ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар жиноятларининг субъектлари қаторида ўз фуқароларимиздан ташқари хорижий давлатлар фуқароларининг ҳам фаол қатнашаётганлари, бу жиноятнинг халқаро тавсифга эгалигини кўрсатиб турибди.

Ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши кураш муаммоларининг таниқли тадқиқотчиси Ю.Сучков фикрига кўра, гиёҳванд моддалар ва психотроп воситаларнинг тарқалиши алоҳида хавфли бўлиб, уларни асосан ёшлар истеъмол қилади. Шу сабабли, жамиятнинг давлатнинг янги интеллектуал ва ишлаб чиқарувчи элитасини ташкил этиши мумкин бўлган қисми эрта жисмоний ва маънавий таназзулга учрайди. Сурункали гиёҳвандлар ҳеч қандай меҳнат фаолиятига лаёқатсиз бўлиб, кўпинча 30-35 ёшдан ортиқ яшамаслиги туфайли, улар бу элитага айлана олмайди. [5]

Гиёҳванд ва психотроп моддаларни суиистеъмол қилиш ҳар қандай давлатнинг долзарб ижтимоий муаммоси ҳисобланади, шу боис давлатлар томонидан ноқонуний айланмага қарши курашиш бўйича самарали чоралар кўрилиши лозим. 1988 йил 20 декабрда Венада имзоланган "БМТнинг

гиёҳванд воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси"га кўра, гиёҳванд воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши жамиятда кечаётган маданий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шундай қилиб, аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни таъминлаш зарурати давлатни гиёҳванд моддалар, психотроп воситалар ва уларнинг аналогларининг айланишини тартибга солиш масаласини ҳал этишга мажбур қилади.[6]

Туркиялик ҳуқуқ доктори Фаридун Енисей таърифига кўра, Туркия жиноят қонунчилигида гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятлар учта гуруҳ бўлиниб, гиёҳванд моддалар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ўсимликларни экиш, гиёҳванд моддалар таъминоти ва гиёҳванд моддалар моддаларни суиистеъмол қилиш жиноятларидан иборат [7].

Н.Ф. Мурашов таъкидлашича, амалда гиёҳвандлик жиноятчилигига нисбатан тушунчалар алмаштирилиб, гиёҳванд моддалар жиноят содир этиш воситаси бўлса-да, унинг предмети сифатида намоён бўлмоқда.[8]

М.С.Ивашченконинг фикрича, жамоат саломатлигига қарши жиноятларнинг бевосита нишони сифатида давлатнинг миллий хавфсизлик манфаатларини амалга ошириш соҳасида ривожланаётган ижтимоий муносабатларни тан олиш керак. Бу муносабатлар давлат томонидан аҳолининг нисбатан тўлиқ жисмоний ва руҳий фаровонлигини (соғлиғини) таъминлаш, уни мустаҳкамлаш ва ошириш билан боғлиқ бўлиб, аҳолининг меҳнат қилиш муддатини узайтириш ва мамлакатдаги умумий демографик кўрсаткичларни яхшилаш мақсадида амалга оширилади.[9]

Е.Ф.Галанжиннинг таъкидлашича, ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар, бир томондан, давлатнинг иқтисодиётига жиддий таҳдид солса, иккинчи томондан, инсонларнинг саломатлиги, аҳолининг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришига ҳам хавф туғдиради.[10]

Мазкур олим томонидан ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга таъриф Россия Федерацияси, Белорусь, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари жиноят қонунларидан келиб чиқиб берилган бўлиб, Ўзбекистон қонунчилиги бўйича эса ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби ва аҳоли саломатлигига тажовуз қилувчи қилмиш бўлиб, иқтисодиётга алоқаси йўқлигини кўришимиз мумкин. Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи органи “гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар” деб номланувчи ижтимоий хавфли қилмишни жиноят сифатида Жиноят кодексининг 270-276-моддаларида белгилаб, жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар сирасига киритган.

М.Х.Рустамбаевга кўра, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар жиноятининг объекти - жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби ва аҳоли саломатлиги бўлиб, ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар предметларини давлат чегараси орқали қонунга хилоф равишда ўтказиш, тегишли шартлар мавжуд бўлганда ЖКнинг 246-моддаси билан таснифланиши лозим.[11]

Е.В.Шаназарованинг ёзишича, ҳар қандай жиноят инсон хулқ атворининг ташқи кўриниши, яъни онг ва ирода назорати остида содир қилинадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик кўринишидаги қилмишдир.[12]

Юқорида билдирилган фикр мулоҳазалардан келиб чиқиб, ёшлар орасида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш ва фош этишга маъсул бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар барча зарурий чораларни амалга ошириши лозим.

Иқтибослар/Сноски/References

1.Нигматов Р.О. Мудофа ва хавфсизлик масалаларининг конституциявий-ҳуқуқий асослари. Илмий мақола. Ҳуқуқий олам журнали. №2-сон. -Т., 2022. ИИВ Академия. - Б.14.

2.https://www.unodc.org/unodc/ru/about-unodc/index.html.

3.Умарханов А.Ш. Одил судловга кўмаклашувчи шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий чораларни такомиллаштириш муаммолари. Дисс., ю.ф.н. -Т.,2004. -Б.85

4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 6 майдаги ПФ-73-сон Фармони.

5.Сучков Ю.И. Особенности производства предварительного расследования по делам о контрабанде наркотических средств и психотропных веществ : диссертация ... кандидата юридических наук : 12.00.09.- Москва, 2000.- 244 с.: ил. РГБ ОД, 61 00-12/557-4.

6. БМТнинг 1988 йил 20 декабрда " гиёҳванд воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси". Венада имзоланган.

7. Таштемиров, А. А. "Зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчаси ва ўзига хослиги." Innovative achievements in science 2025 (2024): 82-90.

8. Uyuşturucu maddeler sorunun ceza hukuku yönü. (72) Time, 11.4.1983, sh. 31 (Тинчлантирувчи моддалар муаммосининг жиноий-ҳуқуқий жиҳати. Dicle университети ректорати томонидан 1983 йил 5 майда тартиблаштирилган ҳайъатга тақдим этилган.

9. Таштемиров А. А., Комилов А. М. Ў. Одам савдоси жиноятига қарши курашишни такомиллаштиришга оид айрим мулоҳазалар //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 7. – С. 135-138.

10. Мурашов Н.Ф. К вопросу о предмете наркопреступления по уголовному законодательству России // Наркоконтроль. 2013. № 3. С. 14 - 18

11. Иващенко М.С. Преступления против здоровья населения: вопросы криминализации, систематизации и уголовно-правовой оценки. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. Краснодар, 2017.18 с.

12. Галанжин Е.Ф. Предупреждение контрабанды (по материалам Государственного таможенного комитета Российской Федерации): дис. ... канд. юрид. наук. М., 2015.

13. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси ЖКга шарҳлар. – Т.: Адолат. 2016. – Б. 312.

14. Шаназарова Е.В. Объективная сторона преступления и ее значение в квалификации преступления// Научно-образовательный журнал для студентов и преподавателей «StudNet» №06/2022.